

ИСЛОМОВ Зоҳиджон Маҳмудович,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
проректори, филология фанлари
доктори, профессор

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ “АЛ-КАШШОФ” ТАФСИРИНИНГ МАНБАВИЙ МУҲИТИ

SOURCE ENVIRONMENT OF MAHMUD ZAMAKHSHARI'S WORK “AL-KASHSHAF”

ИСТОЧНИКОВАЯ БАЗА ПРОИЗВЕДЕНИЯ МАХМУДА ЗАМАХШАРИ «АЛЬ-КАШШАФ»

Аннотация. Мовароуннаҳрда тафсирушунослик ўзига хос шаклланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтган. Маълумки, Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Кашшоф” асари ислом дунёсида филологик тафсир сифатида шухрат топган. XII-XIII асрлардан бошлаб мазкур тафсирга турли ҳудудларда яшаган олимлар томонидан қизиқиш ортади. Бунинг натижаси ўлароқ, унга муфассирлар томонидан ҳозирга қадар сақланиб қолган юзга яқин шарҳ, ҳошия, мухтасарлар ёзилган. Бу нодир манбалар тафсирушунослик тарихини ўрганишида муҳим ағамият касб этади.

Калит сўзлар: Маҳмуд Замахшарий, Қуръони карим, “ал-Кашшоф”, филологик тафсир, шарҳ, ҳошия, мухтасар.

Annotation. In Maverannahr, the Science of Tafsir (Qur'anic exegesis) developed a unique trajectory. Mahmud Zamakhshari's work “al-Kashshaf” gained renown as a seminal philological interpretation within the Islamic world. From the 12th-13th centuries onward, scholars across various Muslim regions exhibited growing interest in this book. Consequently, mufassirs (Qur'anic commentators) produced approximately a hundred commentaries, marginalia, and summaries, many of which have been preserved to this day. These invaluable sources constitute a significant resource for studying the history of Tafsir.

Keywords: Mahmud Zamakhshari, Holy Qur'an, “al-Kashshaf”, philological interpretation, commentary, margin, summary.

Аннотация. В Мавераннахре сложилась уникальная традиция толкования Корана (тафсира). Произведение Махмуда Замахшари «аль-Кашшаф», ставшее классическим филологическим тафсиром, оказало огромное влияние на последующие поколения мусульманских ученых. С XII-XIII веков оно стало предметом пристального изучения в различных регионах исламского мира. Результатом этого интереса стали сотни комментариев, помет на полях и кратких изложений, которые сохранились до наших дней и представляют собой ценнейший источник для изучения истории тафсира, его методологии и развития различных толковательских школ.

Ключевые слова: Махмуд Замахшари, Священный Коран, «аль-Кашшаф», филологический тафсир, комментарии, маргиналии, краткое содержание.

КИРИШ

Маҳмуд Замахшарий илмий меросининг гултожи ислом дунёсида қисқача “ал-Кашшоф” номи машхур бўлган “ал-Кашшоф ан-ҳақоики-т-танзил ва уйуни-л-ақовил фи вужуҳи-т-таъвил” “Қуръоннинг берк ҳақиқатларини ва уни шарҳлаш орқали ривоятлар кўзларини очғич” номли тафсири ҳисобланади. Ушбу асар ислом дунёсида ўзининг илмий аҳамияти билан умумэтироф этилган филологик тафсир сифатида юқори баҳоланган.

Манбалардаги маълумотларга қараганда аллома бу нодир асарини икки босқичда ёзган. Дастлаб йигитлик йилларида Арабистонга ҳаж зиёрати учун борганида Қуръони каримнинг “Бақара” сурасини шарҳлайди ва уни Макка амирига тақдим этади. Маҳмуд Замахшарийдаги Қуръоннинг мўъжизалигини кўрсата олиш, назмининг гўзаллиги, балоғатининг юксаклиги очиб бериш маҳорати амирни ҳайратга солади. Олимдаги юксак салоҳиятни кўрган амир уни шу ерда қолишга ундайди. Замахшарий бу таклифга кўнмайди ва она юртига қайтиб кетади. Ўз юрти Хоразмда Замахшарий араб тили билан боғлиқ кўплаб

илм соҳаларини, жумладан, адаб илмларини тинимсиз мукаммаллаштиради. Олимдаги юксак салоҳият оятлардаги жозибани илғаб олиш имконини берган. Мана шу фазилят тафсир мукаддимасида шундай баён қилинади: “Илмларнинг энг нозиги, ҳар қандай ақлни ҳайрон қиладигани тафсир илми бўлиб, унга ҳар қандай олим журъат қилавермайди. Жоҳиз “Назму-л-Қуръон” китобида ёзганидек, фақиҳ агар ҳукм ва фатвода барча тенгдошларидан ғолиб бўлса ҳам, мутакаллим гарчи калом санъатида дунё аҳлини лол этса ҳам, тарихчи ва ҳофиз Қирриятнинг ўғлидан зехни ўтқирроқ, воиз агар Ҳасан Басрийдан гапдонроқ, наҳвий агар Сибавайҳдан билимдонроқ бўлса ҳам, луғат олими луғатларни сақичдек чайнаб ташласа ҳам, аммо улар Қуръон йўли олдида ҳақиқатни идрок этишдан ожиздир. Қуръонга хос бўлган маъоний ва баён илмларида пешқадам бўлганларгина бу ишни уддасидан чиқиши мумкин” [2:12].

АСОСИЙ ҚИСМ

Маҳмуд Замахшарий тафсир илмига қўйилган барча талабларни мукаммал ўзлаштиргандан сўнггина тафсир ишини давом эттиради ва уни Маккага иккинчи марта қилган сафари мобайнида, яъни 1130-1134 йиллар орасида муваффақиятли якунлайди. Аллома Маккага сафар қилганида шаҳар амири Ибн Ваҳҳос унга: “Яхши ҳамки, ўзингиз диёримизга қадам ранжида қилдингиз, сизнинг “Бақара” сурасига қилган тафсингиз донғини эшитиб, ғоят мамнун бўлдим. Ҳаттоки, юртингизга элчи юбориб, олиб келмоқчи бўлдим”, дейди. Амирнинг бундай илтифотли сўзларини эшитган аллома давр илм аҳли, шогирдлари, ҳаттоки, амирлар ва юксак мансаб эгалари учун мана шундай тафсир асари зарурлигини англади ва уни ёзишга қаттиқ киришди.

Айнан шу вақтга келиб Маҳмуд Замахшарий олтмишдан ошган ва турли соҳаларга оид кўплаб асарлар ёзган эди.

Умрнинг ғаниматлигини англаган олим ўзи севган, ҳаётининг асосий мазмунига айланган Қуръони карим тафсири билан шуғулланишга астойдил бел боғлади. Муҳими, Байтуллоҳ ёнида, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг таваллуд топган жойида туриб, бундай шарафли ишни амалга ошириш алломага кучли илҳом бағишлайди. Аллома ёшининг катталигини ҳисобга олиб, вақтни ғанимат билиб, ундан имкони борича унумли фойдаланиш ҳамда асар илмий савиясига таъсир кўрсатмайдиган тарзда тафсир ёзиш услубини ўзгартирди, “ал-Кашшоф” асарининг қолган қисмини дастлаб ёзган “Бақара” сураси тафсирига нисбатан ихчамроқ қилиб ёзди. У ихчамроқ бўлишига қарамасдан, аллома унда барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, савол-жавоб тариқасида “Ундай десанг, бундай дейман” деган услубида ёзган.

Маҳмуд Замахшарий ўз тафсирининг кириш қисмида ушбу асарни Абу Бакр халифалиги муддатида яъни, Каъбатуллоҳ ёнидаги Сулаймония даҳлизида ҳижрий 528 йили, рабиъул аввал ойининг 23-куни, 21 январ 1134 йил душанба тонгида ёзиб тугатганлигини таъкидлайди.

“Ал-Кашшоф” ислом дунёсининг кўплаб илмий ва ўқув даргоҳларида жумладан, Мисрдаги Азҳар университетида ҳам тафсир бўйича асосий манба сифатида ўқитилмоқда. Асар бошқа тафсирларда бўлмаган кўп афзалликлари билан ажралиб туради. Бу ўринда алломанинг Қуръони каримдаги балоғат, фасоҳат, сарф, наҳв, баён илмларига доир томонларини очиб бериши муҳим аҳамият касб этади.

Тафсир манбаларида “ал-Кашшоф” ва унинг муаллифига юксак баҳо берилган. Асарнинг тили, услуби, балоғати ва фасоҳати тўғрисида қимматли фикрлар билдирилган. Асарнинг юқори илмий савияси унинг замондош ва кейинги давр олимлари томонидан кенг ўрганилишига сабаб бўлган. Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Кашшоф”

тафсири билан боғлиқ манбаларни ўрганиш асарга ўзи яратилган даврдан ҳозирга қадар юзга яқин шарҳ, ҳошия, мухтасарлар ёзилганлигини кўрсатмоқда.

Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Кашшоф” асари турли даврларда йирик олимлар томонидан ўрганилган мухтасар қилинган, шарҳлар битилган. Дунё фондларида асарнинг, унинг мухтасар, шарҳ ва ҳошияларининг жуда нодир қўлёзмалари сақланади. “Ал-Кашшоф” тафсирини Қуръон илмлари, тафсирунослик йўналишида монографик ўрганишда унга ёзилган шарҳ ва ҳошияларнинг аҳамияти жуда катта.

Асар манбашунослигида Имом Аҳмад ибн Мунир Моликий Искандарий (ваф. 683/1284) “ал-Кашшоф” га бағишлаб “ал-Интисоб” – “Тикланиш” номли асари алоҳида аҳамият касб этади. Муаллиф асардаги мўътазила ақидасига тааллуқли ўринларга танқидий муносабатда ёндашади. Асарнинг тили, балоғати, фасоҳатига жуда юқори баҳо беради, тафсируносликда тутган муҳим ўрнини таъкидлайди [3:147; 1:172]. Мазкур манба “ал-Кашшоф” га бағишланган илк мустақил асарлардан саналади.

“Ал-Кашшоф” тафсирига XII-XIII ёзилган шарҳ асарлари ичида Қутбуддин Шаққорнинг (ваф. 698/ 1299) “Тақрибу-т-тафосир” - “Тафсирларнинг қиёси” номли шарҳи [1:276], Али Тусийнинг (ваф. 561/ 1166) “Жавомиу-л-жавоми” - “Жамларнинг жами” шарҳи [1:277] ўзига хос ўрин тутати. Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Кашшоф” асарига шу даврларда яратилган Шайх Муҳаммад ибн Али Ансорий (ваф. 662/ 1264) шарҳида алломанинг тафсиридаги муътазила ақидасига доир фикрларни чиқариб ташлаб, аҳли сунна вал жамоа мазҳабига мос келадиган жиҳатларини қолдирган [1:276]. Шунингдек, Носириддин Қози Байдовийнинг (ваф. 692/ 1293) “Анвору-т-танзил” - “Қуръон нурлари” номли тафсирида “ал-Кашшоф” асарига раддиялар билдирилган ва мўътазила ақидасига доир жиҳатларига танқидий ёндашилган [1:276].

Кейинги даврларда хусусан, XIV асрда ҳам шарҳ манбашунослигида Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Кашшоф” тафсирига бағишланган ўндан ортиқ шарҳлар ёзилганлиги зикр этилган. Шундай асарлар сирасига Аламуддин Ироқийнинг (ваф. 704/ 1305) “ал-Инсоб” – “Тиклаш” номли шарҳи киради [1:271]. Мазкур шарҳда Аламуддин Ироқий Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Кашшоф” ва Имом Аҳмад ибн Мунир Моликий Искандарийнинг “ал-Интисоб” асарларини қиёсий таҳлил қилади ва мазкур икки манбага нисбатан ўз фикрларини баён қилади.

Асарга дастлабки мухтасар сифатида Бадриддин Муҳаммад Мукрий Ҳалабий (ваф. 705/1306) “Мухтасару-р-рошиф мин зулал-л-Кашшоф мина-т-тафосир” - “Тафсирлардан “ал-Кашшоф”нинг зилол сувларидан ичишга оид қисқартма” номли манбани келтириш мумкин [1:277]. Тафсирда муаллиф Абу-л-Аббос Аҳмад Маҳдий, Абу Лайс Самарқандий ва Саълабий фикрларини “ал-Кашшоф” асари билан қиёсий таҳлил қилган. Олимлар ушбу асарни “ал-Кашшоф”нинг муҳим мухтасарларидан бири сифатида баҳолаган

Қутбуддин Шерозийнинг (ваф. 710/ 1311) “ал-Кашшоф” асарига икки жилдли ҳошияси [1:272], Шарофуддин Тиббий (ваф. 743/ 1343) “ал-Кашшоф” асарига 6 жилдлик “Футуху-л-ғайб фи кашф ан қаннои-р-райб” – “Шакшубҳаларни кетказиш, ғайбни очиш” номли ҳошияси, Шайх Тақийиддин Саббокий (ваф. 765/ 1364) “Сабабу-л-инкифоф ан иқроил-Кашшоф” - “ал-Кашшоф”ни ўқишдан юз ўгириш сабаблари” номли мухтасар асарини [1:276], Имод Канадийнинг (ваф. 720/1320) “ал-Кафил би маони-т-Танзил” – “Қуръон маъноларининг кафолати” номли 23 жилддан иборат асарларини мазкур давр манбалари сирасига киритиш мумкин [1:277]. Имод Канадийнинг “ал-Кафил би маъани-т-Танзил” асарида ҳар бир оятнинг тафсиридан сўнг Маҳмуд Замахшарийнинг оятдаги грамматик ҳолатларга оид маълумотларга тўхталади. Олим наҳв, сарф илми борасида

машхур олимлардан бўлганлиги сабабли “ал-Кашшоф”нинг балоғат, наҳв, сарф, турли грамматик жиҳатларига алоҳида эътибор беради ва алломанинг бу ҳақдаги фикрларини айнан келтиради.

Абу Али Умар Суккуний Мағрибийнинг (ваф. 717/ 1317) “ат-Тамйиз” – “Ажратиш” номли шарҳи [1:272]. Муаллиф “ал-Кашшоф” асарининг илмий, филологик жиҳатларига ижобий баҳо беради, ундаги мўътазила ақидасига тааллуқли бўлган томонларини танқид қилади. Шарҳнинг нодир қўлёзма нусхаси Қоҳирадаги Дору-л-кутуби-л-мисрия кутубхонасида сақланади.

Низомиддин Қумий Нисобурий (ваф. 728/1328 й.) “ал-Кашшоф”га бағишланган мухтасар муаллифи. Олим ўз мухтасарида Имом Розийнинг “Тафсири кабир” ва Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Кашшоф” тафсирини қиёсий таҳлил қилади [1:277].

Шамсуддин Абу-с-Сано Шофеъий (ваф. 749/ 1348). У Имом Розийнинг “Мафотиху-л-ғайб” - “Ғайб калитлари” асари ва Замахшарийнинг “ал-Кашшоф” тафсирини қиёсий ўрганган [1:277].

Имом Яҳё ибн Ҳамза Алавий Яманий (ваф. 749/ 1348) . “Олим “Тироз” – “Намуна” номли китобини [1:278] “ал-Кашшоф” асари таъсирида ёзган. Асар муқаддимасида олим кўплаб тафсирларни ўрганганлиги аммо уларнинг бирортасида ҳам Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Кашшоф” тафсиридаги каби баён ва маъоний илмларини қамраб олган, Қуръони карим лафзи ҳамда маъносидаги мўъжизавий маъноларини ёритиб берадиган мукаммал тафсир кўрмаганлигини ёзади ва шогирдларининг илтимосига кўра юқоридаги тафсирнинг балоғати ва фасоҳатига бағишланган ушбу асарини ёзганлигини таъкидлайди.

Темурийлар даврида ҳам хусусан, XV асрда ислом дунёсининг йирик муфассирлари Замахшарий меросига мурожат қилган хусусан, “ал-Кашшоф” асарига шарҳ, ҳошия

ва мухтасарлар ёзганлар. Жумладан, Хидр ибн Атоуллоҳнинг “Исёф би шарҳи абёти-л-Қозий ва-л-Кашшоф” – “Қозий” ва “Кашшоф” лардаги байтларни шарҳлашга ёрдам” номли асари. Асар икки жилддан иборат, 994/ 1586 йили ёзилган. Абу-с-Саодат Муборак ибн Муҳаммад ибн Асир Ҳизрийнинг “Инсоф фил-жамъи байна-с-Саълабий ва-л-Кашшоф” - “Кашшоф” ва Саълабий тафсирини инсоф билан жамлаш” номли асари [1:277]. Валийюддин Аҳмад ибн Зайнуддин Ироқий (ваф. 826/1423) “Инсоф ала-л-Кашшоф” раддия шарҳини [1:274] яратган. Муаллиф Ибн Мунирнинг “Илму-д-дин”, Абу Ҳайёнинг “Тафсиру-л-бахр”, Ибн Ҳишомнинг “ал-Муғний” асарларига таяниб “Кашшоф”даги ҳадисларини таҳриж қилган. Валийюддин Ироқий асарни 826/1423 йилда ёзиб тугатган. Асарнинг бир нусхаси “Дору-л-кутубил-мисриййа” қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Тафсиршуносликда эъзозланган Бурҳониддин Ҳайдар Ҳиравий (ваф. 830/ 1427) устози шайх Саъднинг “ал-Кашшоф”га ёзган ҳошиясига ёзилган ҳошия ёзган. Ҳошияда устозининг “ал-Кашшоф”га бўлган салбий фикрларига раддиялар келтирган. Унинг нодир нусхаси “Дору-л-кутубил-мисриййа” қўлёзма фондида сақланади [1:274]. Шунингдек, мазкур даврда Фозил Юсуф ибн Ҳусайн Ҳилвоний (ваф. 854/ 1450)нинг ҳошияси [1:278], Абу Саъд Имодий (ваф. 982/1574) нинг “Маъақиду-т-тароф фи аввали тафсир сурати-л-Фатҳ мина-л-Кашшоф” – “Кашшоф”даги Фатҳ сураси тафсирига изох” номли ҳошияси, Аҳмад ибн Исмоил Куроний (ваф. 893/ 1488) “Ғояту-л-амоний фи тафсири-л-каломи-р-Раббоний” - “Аллоҳнинг каломини тафсир қилишдаги энг сўнгги ғоя” номли ҳошия [1:275] яратилган. Аҳмаб ибн Исмоил юқоридаги ҳошиясида Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Кашшоф” ва Қози Байдовийнинг “ат-Тафсир” асарларига танқидий муносабат билдирган.

“Ал-Кашшоф” манбашунослигида мухтасарлар ҳам алоҳида ўрин тутати. Мухтасар

жанрида ёзилган асарлар сирасига Тождидин Аҳмад ибн Мактумнинг “Дурру-л-лақит мина-л-бахри-л-муҳит” - “Уммондан топилган дур” деб номлаган Абу Ҳаёнинг “ал-Кашшоф”га ёзилган мухтасари, Абу-с-Саъид Уммадийнинг (ваф. 982/1574) “Иршоду-л-ақли-с-салим ила мазая-л-китаби-л-карим” - “Соғлом ақли Куръон ҳидоятдан баҳраманд қилиш” номли мухтасарлари киради [1:277].

Маҳмуд Замахшарий тафсирининг илмий аҳамияти асарга турли давр олимларининг ўзлари муҳим санаган йўналишларида ўрганишларига асос бўлган. Айрим муфассирлар манбанинг маълум қисм, сураларини, баъзилари уни манбадаги ҳадисларни, байтларни тадқиқ этган ва уларга бағишланган шарҳлар ёзганлар. Жумладан, Шайху-л-Ислом Бахро Яхё Ҳиравий (ваф. 906/ 1501) нинг Куръони карим Фотиҳа сурасидан Бақара сурасининг ўртасигача бўлган қисми изоҳига бағишланган “ал-Кашшоф”нинг шарҳи [1:275], Имом Ҳофиз Шаҳобиддин Абу-л-Фазл ибн Али ибн Ҳажарнинг “Кофийу-ш-шофий фи таҳрижи-л-аҳадиси-л-Кашшоф” – “ал-Кашшоф” даги ҳадисларнинг таҳрижи бўйича етарли“ номли асари, Муҳйиддин Афандининг “Танзилу-л-оёт ала шавахид мина-л-абят”–“Оятмаъносиникувватлайдиган байтлар” номли асари яратилган. Унда Маҳмуд Замахшарийнинг “Кашшоф” тафсирига киритган байтлари шарҳланган, уларнинг муаллифлари аниқланиб кўрсатилган.

ХУЛОСА

Демак, Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Кашшоф ан-ҳақоқи-т-танзил ва уйуни-л-ақовил фи вужуҳи-т-таъвил” - “Куръоннинг берк ҳақиқатларини ва уни шарҳлаш орқали ривоятлар кўзларини очгич” номли тафсири муфассирлар орасида қимматли илмий манба сифатида эътироф этилган. Ислом дунёсининг турли ўлкаларида Куръони каримнинг илк филологик тафсири сифатида кенг танилган

“ал-Кашшоф” асарига қизиқиш жуда кучли бўлган. Бунинг натижасида турли давр муфассирлари асарга мурожат этган ва унга бағишланган шарҳ, хошия, мухтасар ва таълиқотлар яратилган, уларнинг дунё фондларида сақланаётган нодир қўлёзмалари давримизга қадар етиб келган. Уларда Маҳмуд Замахшарий тафсирининг филология соҳасидаги аҳамиятига алоҳида урғу берилган айниқса, балоғат ва фасоҳат соҳасидаги ўрни юқори баҳоланган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Доктор Мустафо Совий Жувайний. Манҳажу-з-Замахшарий фи тафсири-л-Куръан ва байани иъжазиҳи. – Миср: Дору-л-маориф, 1984.
2. Маҳмуд Замахшарий. Ал-Кашшоф ан-ҳақоқи-т-танзил ва уйуни-л-ақовил фи вужуҳи-т-таъвил. – Ар-Риёд, 1998.
3. Хожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Дору-с-саодат. – Ж. 2.